

ПУШТА ОЛИШ ЖАРАЁНИДА ГҲНГ СОЛИШ ҚУРИЛМАСИ ИШЧИ ҚИСМИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва экинлардан юқори ҳамда сифатли ҳосил олиш учун кўпгина чора тадбирлар ишлаб чиқилиб амалиётга кенг жорий қилинмоқда. Узоқ муддат давомида суғориладиган деҳқончиликда, минерал ўғитларни қўллаш юқори даражада бўлиб, органик ўғитларни қўллаш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган беда экишга аҳамият берилмай келинди. Натижада республикамиз тупроқларида гумус ва бирқатор озиқа элементлари, жумладан, фосфор, калий, олтингургурт, кальцийнинг ўсимликлар ўзлаштира оладиган шакллари камайиб кетди. Тупроқ унумдорлиги, ундаги бир қатор озиқа элементларини ва тупроқ структурасини яхшилашда органик ўғит, яъни қорамол гўнги юқори аҳамият касб этади.

[Full text](#)